

«Қуръон - Яратганнинг мўъжизаси»



15:17 / 11.09.2018 3939

Канадалик олим Кейс Мур (Keith L.Moor) «Инсон яратилишининг босқичлари» деган асарида Қуръоннинг илоҳий китоб эканини эътироф қилган ҳолда қуйидагиларни ёзади:

«Ўрта асрларда илмнинг тараққий этиши жуда ҳам секин борар эди. Ўша пайтларда ҳомила ҳақидаги илмдан жуда ҳам оз бир нарса бор эди, холос. Аммо мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлган Қуръони каримда инсоннинг эркак ва аёлдан чиқадиган суюқликлардан яратилиши тўғрисида баҳс кетган. Шунингдек, инсон маний деб аталган нутфадан яратилиши тўғрисида ҳам сўз борган.

Ўша нутфа аёл кишининг раҳмида қарор топиши, худди уруққа ўхшаб қолиши, олти кундан кейин урчиши ҳақидаги гапларнинг Қуръони каримда айтилиши улуғ бир нарсадир. Ўша тушган уруғлик, маний аста-секин ривожланади ва бир парча қонга айланиб, қотиб қолган қонга ўхшаб қолади. Бу «алақ» дейилади. Ана шу тухумдонда урчиган нарса парчаланаяди. Бу нарса секин-секин ҳомилага айланади. У катталашиб бориб, зулукни эслатадиган бир шаклга киради. Биз ҳар бир жараённи кузатиб, шакллари чизиб қўйгандик. Ана ўша «зулук» деб аталаётган ҳайвонни ҳомиланинг Қуръондаги «зулук» деб аталган ҳолига солиштириб кўриладиган бўлса, орада ҳеч қандай фарқ сезилмайди. Шунингдек, Қуръони каримда ҳомиланинг бошқа васфлари ҳам баён қилиб берилган...»